



Куръон касидаси

Куръон тиловатин насиб айлаган,
Иймон-эътикодни калбга жойлаган.

Раббимга минг катла шукрлар бўлсин,
То тирик эканман, зикрлар бўлсин.

Инсонлар ичидан танлаб олинган,
Аднон уругидан сайлаб олинган.

Набийга дуруду саломлар бўлсин,
Меҳрга лиммо-лим каломлар бўлсин.

Эй нажот истовчи, иштиёк ила,
Куръонни ёдлашга куч-қувват тила.

Осон услубини батафсил очай,
Соф олтин донасин калбингга сочай.

Бу ила Куръонни ўқигин равон,
Такроринг хамрохинг бўлсин хар замон.

Унутиш дардидан топгайсан нажот,
Туну кун максадинг бўлса гар сабот.

Раббингга шукрни кўйма тилингдан,
Шайтон васвасасин кувгин дилингдан.

Ёмонликни тарк эт, негаки гуноҳ
Зехни ўлдиргай, сўрагин паноҳ.

Такводор, пархезкор, покдомон, яна
Тартибли хам хофиз устозни танла.

Хидоятда пешво, ибратли бўлсин,
Хусни хулк бобида химматли бўлсин.

Бирор кун дарсингдан колма узилиб,
Ростгўй бўл, ёлгондан кетма чўзилиб.

Узлуксиз бир бетдан такрорла хар он,
Ташналик тафтини босгай бегумон.

Уч катор ёдлагин хар намоздан сўнг,
Гайратли кишининг иши доим ўнг.

Кунига бир бора саҳифа тўлсин,
Хушчакчак кайфият хамрохинг бўлсин.

Олти кунда тўпланиб, тўксонга етгай,
Ишон, хатолар хам йўк бўлиб кетгай.

Хафтада тўлик бир такрорда бўлмок,
Хотира пишиклик жомига тўлмок.

Хохласанг, кунига беш оят ёдла,
Ишонч ва жиддийлик маромин сакла.

Хисобла, бир ойда бўлар юз эллик,
Ажру савоблар хам ёгар тизилиб.

Ёдлаган жойингни такрор эт, такрор,
Шижоат корига хар лахза даркор.

Такрор эт тунлари хамда кундузи,
Оятлар – мўминнинг порлок юлдузи.

Ака ё укага ўкийвер бот-бот,
Оятлар лаззатин тотмайсан нахот?!

Майда гап, сафсата не керак асли,
Хидоят машъали – Куръондир рости.

Ўкийвер кундузи хам тунда, сахар,
Хар бора Аллохнинг лутфи ёгилар.

Корининг хамрохи – калбда Куръони,
Тангрига шукр кил, кенгдир султони.

Оятларга бокиб тафаккур олмок,

Зехнга зикрнинг накшини солмок.

Кибр хавосидан нафсни пок этмок,
Куръон нури ила дилни ёритмок.

Муташобих оят колсин ўрнашиб,
Адашмайсан, келса гохо тўкнашиб.

Булар хам Куръонда, билсанг, каромат,
Чалкашликдан кори бўлгай саломат.

Унутсанг ё хато кўпайса хар он,
Умидсиз бўлмагин, удир шайтондан.

Хатмни хафтада бир бора килсанг,
Мухаммад Расулнинг суннати, билсанг.

Мураттаблик иста, билмогинг даркор:
Хар бетни уч юз бор килмогинг такрор.

Ошкора, пинхона ширкдан узок юр,
Нафрату газабдан, кекдан четда тур.

Бировнинг мактовин кутма, биродар,
Бу нарса хакикий таъма, билсанг, гар.

Камтар бўл, ораста, хушбўйлик ила,
Покиза либос кий, садокат тила.

Мисвок ила хар дам огзингни пок эт,
Куръон тиловат эт, мурудингга ет.

Тубанлик, тортишиш балосидан кеч,
Ёш бола сингари инжик бўлма хеч.

Ифлос маконларда ўқишни бас кил,
Хотирага ёмон таъсирини бил.

Куръон ўкиб яша калби покиза,
Соф ният, бегубор, таъмадан тоза.

Дунёга берилма, сен ундан кўра,
Не керак, барини Рахмондан сўра.

Куръонга итоат этмоклик фарздир,
Мусулмон бандага умрбод қарздир.

Эй иймон сохиби, ўки куну тун,
Жаннатга мушарраф раббоний мўмин.

“Сизларнинг яхшингиз – Куръон ўрганган, –
Дейилган хадисда, – сўнгра ўргатган”.

Эй Раббим, кечиргин гар хато килсам,
Бандалик бурчимдан бир кадам жилсам.

Яккасан, Холиксан, Карим хам Олим,
Куръон хурматидан ўнглагин холим.

Сиз учун шеърият чаманин кезди,
Абул Хасан ўгли Мухаммад тузди.

Сенга ёлворади, эшитгин охин,
Хато килган бўлса, кечир гунохин.

Куръон ёд олмоқда муслим ва мўмин,
Устидан ёгдиргин ризвон неъматин.

Гарчи кибр билан бирлашса риё,
Шафоатдан бизни этма Мосуво.

Яшин тезлигида ўтмоқда хаёт,
Икки йилда кори бўлмайсан, нахот!?

Дуодан умидвор Эркин мударрис,
Тиловат чогида эслаб ўтгайсиз.

**Араб тилидан “Мир Араб” ўрта махсус Ислом билим юрти мударриси Эркин
КУДРАТОВ таржимаси**